Бугун хўжаликда етиштирилаётган истеъмолбоп узумлар нафақат ички бозорга, балки қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинапти, винобоп узумлар эса Заркент шароб заводидан қайта ишланяпти. Бу ерда ҳар йили деярли 3 минг тонна шароб тайёрланади. Бундан ташқари, хўжалик Тошкентдаги "Ўзбекистон шампани" ҳиссдорлик жамиятига ҳам хом ашё етказиб беради. Заркент узумларидан тайёрланган винолар ҳеч бир давлатниқидан қилишмаслигини унинг хариддорчилигидан ҳам билса бўлади. Бу ҳақда "Ўзбекистон шампани" ҳиссдорлик жамияти раиси Ш.Отабековнинг фильмдаги сўзларини эслаш kifoya.

Хар бир инсоннинг кай даражада етук ва баркамол бўлиб етишиши унинг болалигидан олган билими ва тарбиясига боғлиқ. Тожиов ота келахак авлод тарбиясига алоҳида эътибор билан қарайди. Заркентликларнинг фарзандлари учун 2 та боғча, 3 та мактаб биноларининг бунёд этилгани фикримизга мисол бўла олади.

Қишлоқдаги муқаддас қадамжо – Заркент ота зияратгоҳининг қайта тикланиши ҳам яшан Тожиов отанинг савй-харақатлари натижасида амалга оширилди.

Юз бора эшитгандан бир бора кўрган афзал. Шундай экан, қаҳрамон ҳақидаги кино асарини яна бир бор кўриш керак. Фильмда қаҳрамоннинг аjoyиб хислатлари очиб берилган. Айниқса, Тожиов отанинг болалиги, ота-онаси ҳақидаги хотиралари фильмни янада бойитган. Ўйлаймизки, "Ўзбектеlevision" студиясида яратилаётган бу каби фильмлар ёшларимиз қалбига Ватанга муҳаббат ҳиссини ўйғотибгина қолмай, замонамиз қаҳрамонларидан ибрат олиб яшашга ундайди.

Шавкат ОРТИКОВ

(Боши 1-бетда)

Мазкур хўжаликда эса чигит умумий майдоннинг нақ ярмида пленка остида қўш қаторлаб экилади. Бунда ниҳоллар сони оддий усулда экилганига қараганда ҳар бир гектар ҳисобига 30-40 минг тулға кўп бўлади. Ён шохлари кам бўлганидан парваришлагша ўнғай. Шу майдонларнинг ҳар бир гектаридан ўртача 38 центнердан юқори навли ҳосил ундирилди. Ана шу ҳисобдан 170621 минг сўм даромад қилинган бўлса, унинг 9600 минг сўми соф фойдадир. Шунга таъкидлаб ўтмоқчимизки, хўжалик пахтачилигининг ўзидан 278038 минг сўм даромад олди. Бу 2002 йил бўйича қуйи Амударё минтақасидаги хўжаликлар учун катта даромад ҳисобланса-да, асосан соф фойда пленка остига экилган фўзалар ҳосилдорлиги ҳисобига бўлди. Чунки ҳосилдорлик оддий усулда экилганига нисбатан гектар бошига 9-11 центнердан юқорини ташкил қилаяпти.

Ширкат хўжалиги бошқарув ходимларидан тортиб, оддий пудратчиларгача иқтисодий ислохотлар мазмун моҳиятини англаб етган.

ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ УЧРАШУВЛАРИ

Чемпионлар лигаси 2-гурӯх босқичининг 4-тур ўйинларида Москванинг "Локомотив" жамоаси ўз уйда Италиянинг "Милан" клубини қабул қилди.

Биринчи тайм асосан ҳар икки томоннинг қучли ҳаракат қилишлари боис, майдон ўртасидаги шиддатли жанглар билан ўтди. Филиппо Индзагиға нисбатан йўл қўйилган қўполлик учун пенальти жарима-си белгиланди ҳамда учрашувнинг 34-дақиқасида Бразилия терма жамоаси ва "Милан" клуби аъзоси Ривальдо ушбу пенальтини қойилмақом қилиб бажарди. Ҳисоб 1:0 натижа билан меҳмонлар фойдасига ҳал бўлган эса-да, лекин учрашувнинг 2-бўлимида мезбонлар кўпроқ ҳужум уюштиришга ҳаракат қилдилар, афсуски "Милан" дарвозасини ишғол этиш "Локомотив"чиларга насиб этмади. Шунингдек, "Боруссия" – "Реал" клубларининг учрашувлари 1:1 ҳисоби билан дуранг натижада якунланди (Коллер 23-дақиқада, Портильо 90+2 дақиқада). "Депортиво" – "Базель" 1:0 (Диего Тристан 4-дақиқада), "Ювентус" – "Манчестер Юнайтед" 0:3 (Гиггз 15,41-дақиқаларда, ван Нистелрой 63-дақиқада).

РОМАРИО АРАБ КЛУБИДА

Бразилия ва дунё футболининг юлдузларидан саналган Ромарио Катар давлатининг "Ас-Саад" клубида ушбу мавсум охиригача қадар фаолият кўрсатади, дея хабар беради "Ал-Жазира" телеканали.

Мазкур клуб вакили Мухаммад Ганем Ал-Алининг билдиришича, тузилган шартномага мувофиқ 90 кунлик ўйини учун Ромариога 1,2 миллион АҚШ доллари миқдоридан ҳақ тўланади.

“ХОРАЗМ” ИБРАТИ

Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши усулдан фойдаланиш – чигит-ни плёнка остига қўшқаторлаб экиш самарасидир.

Манфаатдорлик ишга қизиқишнинг бош омилдир. Бу ҳақда ширкат хўжалиги бош хисобчиси Сафарбой ака Рўзибоев билан сўхбатлашганимизда рақамларни қалаштираб ташладик. Ҳисоб-китоб аниқ юритилгач, шундай бўлади-да. Бир гектар ерда

ғўза ўстирган Норгул Эшжонова топширган махсулоти эвазига 856 минг сўм даромад қилган. Йил бўйи меҳнат ҳақи учун 250 минг сўм олган. Оилавий пудратчилар йил натижаларига кўра яна 153 минг сўм қўшимча ҳақ олишаркан. Шунингдек, Гулнора Кўчқорова, Сафаргул Каримоваларнинг йил бўйи оладиган даромадлари ҳар бир ой ҳисобига 30-35 минг сўмдан тўғри

келмоқда. Шу боис 793 нафар оилавий пудратчиларнинг деярли



“ИНТЕР” БЕКХЭМНИ КУТМОҚДА

Миланнинг "Интер" клуби президенти Массимо Мораттининг маълум қилишича, унинг жамоаси "Манчестер Юнайтед"нинг 2 нафар футболчиси Дэвид Бекхэм ва Райан Гиггзларни ўз сафига қўйиш ниятида.

Лекин, ҳали бу борада "Манчестер Юнайтед" муносабат билдирганича йўқ. Ушбу мавсум аввалида мураббий Эктор Купер кўл остида ўйнашдан бош торган Роналдонинг "Реал"га сотган "Интер" яқинда Алекс Фергюссон ва Дэвид Бекхэмлар ўртасида юз берган воқеадан сўнг, Бекхэмнинг ҳам Роналдога ўхшаб иш тутишини тахмин қилмоқда.

МАСЛАҲАТЧИ ИШОНЧНИ ОҚЛАРМИКАН?

8 март кунини Ганноверда бўлиб ўтадиган Владимир Кличко ва 37 ёшли Корри Сандерс ўртасидаги жангга пухта тайёрланиш учун Сандерс ўзига Росс Пьюритини маслаҳатчи қилиб олди.

Боиси, Росс 1998 йил Киевдаги спорт саройида Владимир устидан ғалаба қозонган эди. Украинлик боксчининг билдиришича, Корри Пьюритини ёллагани яхши. Лекин 1998 йилги Кличко билан ҳозирги Кличко ўртасида анчагина фарқ бор. Бунинг устига 1999 йил Россиянинг маслаҳатлари ёрдамида Владимирга қарши рингга чиққан Аксел Шулуп юз кутаси қўйган эди. 2001 йил эса Пьюритини техник нокаутга учратиб, Виталий Кличко укасининг аламини олганди ҳам. Айни пайтда эса бўлғуси жанг учун Владимир ҳам Сандерс ҳам жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар.



СПОРТ ОЛАМИДА

ҲАСАН ШОШ “ИНТЕР”ГА КЕТМОҚЧИ

"Галатасарой" клуби ҳужумчиси Ҳасан Шош яқин вақт ичида Италиянинг "Интер" клубига ўтиши мумкин.

Бу ҳақда "Интер"нинг техник директори Габриэл Ориали маълум қилди ва 26 ёшли футболчи билан шартнома тузиш жуда қийин экани, лекин қўзалан мақсадга эришилди, дея алоҳида таъкидлади. Туркия терма жамоаси ўйинчиси Ҳасан Шош Европа клублари эътиборига тушган бўлиб, унга Англиянинг "Ливерпуль" ва "Тоттенхэм" клублари ҳам қизиқаятган эди. Аммо "Галатасарой" вице-президенти Али Дуруст ўз жамоаси иқтидорли ўйинчидан ақралиб қолишни хоҳламлигини маълум қилган.

1 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК МУКОФОТ

Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида совин жамғармаси 1 миллион АҚШ доллари бўлган теннис турнирида россиялик профессионал ракетка устаси Евгений Кафельников рақиб голландиялик Жон Ван Лоттумни уч сетда 6:2, 4:6, 6:3 ҳисобида енгиб, иккинчи давра ўйинларига йўлланма олди.

Энди у чехиялик Даниэл Вацек устидан 6:2, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонган мароккашлик Хишом Арозига қарши қорғат тушади.

Ушбу турнирда қатнашаётган ҳамюртимиз Вадим Куценко эса саралаш баҳсларидан муваффақият билан чиқиб, асосий турга йўлланма олди. Энди у испаниялик Фелисьяно Лопесга қарши баҳс юритади.

Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.



ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Айни пайтда Ироқ теварағидаги жараён тобора кескинлашиб бораётган бўлиб, АҚШ ҳамда Буюк Британия томонидан қуч ишлатиш имконини берувчи 2-резолюция БМТ Хавфсизлик Кенгашига тақдим этилган.

Лекин, инспекторлар раҳбари Ханс Бликс сўнгги кунларда Бағдод унинг гуруҳи билан кенгрок ҳамкорлиқни йўлга қўйганини таъкидлади. Жумладан, Ироқ ҳукумати Бликс жанобларига ўзининг оммавий қирғин қуроллари борасидаги 6 та мактубни тақдим этган. Лекин, ҳозирча Бағдод шанба кундан бошлаб йўқотишга қиришиши керак бўлган "Самуд-2" ракета-талари ҳақида ҳеч нима билдиргани йўқ.

Уруш бошлаш тарафдори бўлган АҚШ агарда Туркия парламенти розилик берса, Туркия ҳудудида 2-фронти очилиши ва ўзининг 62 минг кишилик аскарини жойлаштиришга тайёр.

ВАЗИЯТ ЎЗГАРАДИ

Шимолий Корея ҳукумати мамлакат аҳолиси ва ҳарбийларни АҚШ томонидан қутиллажак урушга тайёр туришга чақирган.

Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги алоҳида баёнот билан чиққан бўлиб, унда барча ресурслар ҳар қандай ҳолатда юз бериши мумкин бўлган тажовузга қарши шай туриши ҳақида айтилади. Боиси, март ойда Қўшма Штатларнинг Корея ярим оролининг жанубида ўтказадиган йирик ҳарбий ўқув машғулотлари расмий Пхеньянинг шундай йўл тутишга мажбур этган.

Кунини кеча эса Шимоллий Корея Япон денгизида "Ер-денгиз" русулли баллистик ракета-сини учирган. Сўнгги вақтларда Пхеньянинг ядро қурулини тарғатмаслик ҳақидаги халқаро шартномадан қичиши жаҳон ҳамжамиятини ҳавотирга солмоқда.

ГУМОНДОРЛАР УШЛАНДИ

Саудия Арабистони ички ишлар вазирининг Найиф бин Абдулазизнинг билдиришича, Макка шаҳрида 7 нафар ўсмир "Ал-Қоида" террорчи ташкилотига алоқадорлиқда гумон этилиб, ҳибсга олинганлар.

Тинтув вақтида уларнинг ёнларидан қурол топилган. Шунингдек, улар орасида мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳам бор. Сўнгги вақтларда мамлакатда хавфсизлик чоралари қучайтирилган бўлиб, 250 нафарга яқин гумондор устидан "Ал-Қоида"га алоқадорликлари бўйича тергов ишлари олиб борилмоқда. 90 нафарининг иши эса судга оширилиш арасида. Уттан ҳафта яқинида ҳибсга олинган, келиб қиёси ямақли шахс бир ҳафта аввал Ар-Риёд шаҳрида отиб ўлдирилган британиялик Ричард Дентининг фоҳиасида ҳамда "Ал-Қоида" ташкилотига алоқадорлиқда гумон этилмоқда.

КАМПАНИЯ ДАВОМ ЭТАЙТИР

Таиланд давлатида гиёҳвандликка қарши кураш борасида ўтказилаётган кенг миқёсда операцияларнинг биринчи 24 кунида 993 киши ўлган.

Шулардан 22 нафари полиция хизматчилари бўлиб, улар гиёҳвандлик дунёсидаги жиноятчилар билан юз берган тўқнашуларда ҳалок бўлганлар. Бундан ташқари, жиноий гуруҳларнинг ўзаро қелишмовчиликлари ва тўда бошлиқларининг гувоҳлари қамалтириш борасидаги ҳарақатлари боис ҳалок бўлганлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Метамфетамин таблеткаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринда турадиган Таиланд давлатининг 3 миллиондан ортиқ аҳолиси ёки умумий аҳолининг 5 фоизи ана шу гиёҳванд таблеткани мунтазам истеъмол қиладди. Яширин цехларда тайёрланадиган бундай таблеткалар хоризга ҳам экспорт қилинади.

ЎҚУВЧИЛАР ШИФОХОНАДА

Россиянинг Камчатка вилоятидаги Мильково посёлкасида яшовчи 8 нафар ўқувчи "яширин сил касали" ташхиси билан шифохонага ётқизилганлар. Виллоят санитария хизмати бошлиғи Наталья Зарайченкованинг билдиришича, ўқувчилар мактаб ошхонасида қарамдан тайёрланган салат еганларидан сўнг хасталикка чалинганлар.

Ҳозирда эса Мильково посёлкасида эпидемияга қарши чоралар қўрилмоқда. Ушбу касаллик ўта юқумли ҳисобланиб, унинг аломатлари иситма чикариш ва умумий заҳарланишда кузатилади. У ошқозон-ичак йўллари, тери ҳамда бўғинларга зарар еткази-ди, дея хабар беради "Новости" ахборот маҳуамаси.

БРИЛЛИАНТ ЎҒРИЛАРИ

Белгия полицияси Антверпен шаҳридаги олмос марказидан ўғирлаб кетилган қимматликларга дахлдор тўрт кишини ҳибсга олди.

Уларнинг уч нафари Италия ва тўртинчиси Голландия фуқароларидир. Ҳозирда тергов ишлари бошлаб юборилган. Бироқ, ўғирланган бриллиантларнинг умумий суммаси аниқ эмас. Лекин, жиноятчилар марказдаги 160 та сейфдан 120 тасини очилишга улгурганлар. Бундан олдинги ўғирликда эса 4,5 миллион долларлик қимматбаҳо тошлар олиб кетилган эди. Белгия прокуратураси вакили Лейн Нэйцинг билдиришича, марказ энг сўнгги қўриқлаш ускуналари билан жиҳозланган, унда 24 соатлик қўриқлаш хизмати йўлга қўйилган. Бундан ташқари, компьютер орқали кузатув тизими ҳатто сейфлар ичига ҳам ўрнатилган эди. Тахминларга кўра, жиноятчиларга бино ичидан қимдир ёрдам берган бўлиши мумкин.

ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинди.

Тошкент кооператив техникуми томонидан 1983 йили Елена Семеновна Келиш номига берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси Вазирлар Маҳкамаси Агроеанот комплекси қотибят мудири Ибодулло Қалибековга падали бузруквори

ЖОНТЎРА ОТАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси жамоаси Вазирлар Маҳкамаси Агроеанот комплекси қотибят мудири Ибодулло Қалибековга падали бузруквори

ЖОНТЎРА ОТАНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзпарандасанот" уюшмаси жамоаси "Қият" ҳиссдорлик жамияти раиси

Олимбой РАҲАБОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзсабавотнавуруғлари" уюшмаси жамоаси Вазирлар Маҳкамаси Агроеанот комплекси қотибят мудири Ибодулло Қалибековга падали бузруквори

ЖОНТЎРА КАЛИБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ТАДБИРКОРБАНК»

АКЦИЯДОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

АТ «Тадбиркорбанк» 2002 йилдаги фаолияти якунлари бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 2003 йил 12 апрелда бўлишини маълум қиламиз. Мажлис Тошкент шаҳри, Буюк Ипак йўли кўчаси, 115-уй, «Саёҳат» меҳмонхонаси (Мўлжал: метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати) мажлислар залида соат 10.00 да бошланади.

Умумий йиғилишда қитнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 12 март ҳолати бўйича тузилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. АТ «Тадбиркорбанк» фаолиятининг 2002 йил якунлари ҳамда Банкнинг 2003 йилдаги асосий вазифалари тўғрисида.
2. АТ «Тадбиркорбанк»нинг 2002 йилги якуний бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлари ҳақидаги ҳисоботни тасдиқлаш.
3. 2002 йил якуни бўйича фойдани тақсимлаш тартиби тўғрисида.
4. 2002 йил якунлари бўйича АТ «Тадбиркорбанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
5. Банк устав капиталини ошириш тўғрисида.
6. Банкнинг 2003 йилги ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.
7. Банк Бошқарув Раисини сайлаш ва тасдиқлаш тўғрисида.
8. Банк Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Акциядорлар 2003 йил 12 апрел кунини соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинадилар.

Акциядорлар шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар: жисмоний шахс - паспорт, юридик шахс - ишонч қўғози олиб келишлари лозим.

Акциядорлар умумий мажлисининг материаллари билан Тошкент шаҳар. С. Азимов кўчаси 52-уйнинг 105-хонасида танишишлари мумкин.

Боғланиш телефонлари: 133-18-75; 136-28-23;

АТ «Тадбиркорбанк»

Кузатув Кенгаши

«ПАХТА БАНК»

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Акциядорлик тижорат «Пахта Банк» ўз акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилишини ўтказида

КУН ТАРТИБИ:

1. АТ «Пахта Банк»нинг 2002 молия йилидаги фаолияти якунлари бўйича ҳисобот ва банк фаолиятининг 2003 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.
2. Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
3. АТ «Пахта Банк» Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. АТ «Пахта Банк» Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
5. АТ «Пахта Банк» Кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
6. АТ «Пахта Банк» эълон қилинадиган акцияларининг миқдорини белгилаш.
7. АТ «Пахта Банк» Устави ҳамда «Банк Кенгаши тўғрисида»ги Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
8. АТ «Пахта Банк» ташқи аудиторини тасдиқлаш.

Йиғилиш 2003 йил 5 апрел кунини соат 10.00 да Тошкент ш. А.Хўжаев кўчаси 1-уй (Ўзбекистон Республикаси Молиявий хизматлар банклари маркази биноси)да ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2003 йил 5 апрел кунини 8-30 дан 9-45 гача давом этади.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 6 март ҳолатига тузилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақами: 173-25-51, 78-10-94.

АТ «Пахта Банк» манзили: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй.

“ПАХТА БАНК” КЕНГАШИ

“Давинком” Давлат инвестиция фирмаси томонидан давлат улуши эркин биржа савдосига чиқарилаётган акциядорлик жамиятларининг рўйхати

Худуд	Тармоқ ва акциядорлик жамиятининг номи	Устав фонди (сўм)	Номинал (сўм)	Савдога қўйилаётган акциялар сони (дона)	Низом жамғармасидаги ҳиссаси(%)	Жами акцияларнинг савдога қўйилиш баҳоси (минг сўм)
	“Худудийагроқурилиш”					
Хоразм вилояти	“Қўшқўпирагроқурилиш”	4272900	100	10682	25	3000*


Эслатма: ушбу акцияларни харид қилишда инвестор жамиятга 4000,0 минг сўм миқдоридан қўшимча сармоя киритиши лозим.

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ (Боши 1-бетда)

Фикримизни биргина Самарқанд шаҳридаги 1-Олимпия заҳиралари касб-хунар коллежи талабларининг спортда эришган халқаро натижалари мисолида ҳам далиллаш мумкин.

Коллежда спортнинг барча турлари билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд. Замонавий заллар спорт анжуманлари билан тўлиқ таъминланган. Энг муҳими, малакали мутахассислар, тоифали устозлар ёшлар мураббийлик қилишмоқда.

Ўткир Қурбонов илгари спорт билан хаваскор сифатида шуғулланган эди. Коллеж талабаси бўлган эса дэюдо



билан жиддий дўстлашиш имконига эга бўлди. Спортнинг бу тури тарихи, техникаси, маданиятидан етарлича сабоқ олди. Киска вақтда истеъдодли йигит устозлар раҳнамолигида жакон майдонларига кўтарилди. 2001 йилда Остонада ўтказилган халқаро турнирда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 2002 йилда Тошкентда ўтказилган халқаро турнирда ҳам катта галабага эришди. Ўша йили дэюдо бўйича ўтказилган Осиё чемпионати Ўткир Қурбоновнинг шуҳратини оламга ётди. У барча рақибларидан кучли эканлигини исботлади, биринчи ўринни эгаллаб, мустақил Ватанимиз байроғини баланд кўтарди.

Коллеж талабаси Юлия Ашурованинг ютуқлари ҳам қувончли. Чим устида хоккей бўйича Юлининг маҳорати кўпчилиги ром этди. Республика чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган яшил майдон маликаси Республи-



ка биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда тенгсиз эканлигини кўрсатди, биринчи ўрин шохсупасига кўтарилди. Тайландда ўтказилган Осиё кубоги беллашуварларида Юлия фахрли ўринга сазовор бўлди.

Эндиклида ёш мустақил Ўзбекистоннинг байроғини голибона кўтарётган Ўткир ва Юлия сингари ёшларни қўллаб тўллаб олишимиз мумкин. Энг муҳими, улар асос солган чемпионлар мактаблари укаларини ҳам қучоғига қорламоқда. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини Болалар спортини ривожлантириш ва ёшлар ўртасида жисмоний маданиятни шакллантириш марказларига айлантиришга борада беҳисоб кўл келиши, шубҳасиз. Карорнинг биргина бандини олиб кўрайлик, унда шундай дейилади: "Маҳаллаларда ўтказиладиган барча спорт мусобақалари ва йўналишлари ташкил этишда таълим муассасаларида мавжуд спорт иншоотлари, жиҳозларини бепул фойдаланишга бериш ҳамда уни юқори савияда ўтказишга эришиш мақсадида таълим муассасалари томонидан ташкилий-ўқувчи ёрдам беришларини таъминлашлар". Бу жуда катта гап. Айтиш мумкинки, лицей ва коллежлар билан мактаб ўртасидаги олтин ҳалқадир.

Бу олтин ҳалқа яқин йилларда биз кўтаётган самараларни беришига, асло шубҳа қилмаймиз.

Қайсики мамлакат ўз эртасини болаларида кўраётган бўлса, ўша мамлакатнинг келажиги порлоқ, Ўзбекистон – болажон юрт, демак, истиқболли порлоқ юрт!

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН НЕЪМАТ

Бир калимани ҳар қанча айтсак – кам, ҳар қанча тақдорласак оз: Мустақиллик халқимизга жуда кўп неъматлар инъом этди, бағоят катта имкониятлар яратиб берди. Ўтган 11 йил давомида биз асрлар оша оруз бўлиб келган ниятларимизга етдик. Жаҳон сари дадил одимлай бошладик. Буни биргина таълим соҳасидаги ислохотлар самараси билан ҳам далиллаш мумкин.

Кечагидек эсимда, етмишинчи йилларда собиқ област партия комитетининг идеология секретари катта бир йиғинда "Самарқанд хунар-техника билим юртини ташкил этиш бўйича икки йилдаёқ Ленинград областан кейинги ўринга кўтарилди, бундан фахрланишимиз керак", деган эди. Саксонинчи йилларга келиб, ҳар тўнчада уч-тўрттаб очилган хунар-техника билим юртини мактаблардаги энг интизомсиз, фанларни ўзлаштирма олмайдиغان болаларни мажбуран йўллайдиган, аниқроғи, жаҳо чораси вазифасини ўтовчи масканларга айланиб қолди. Бундай билим юртини ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад – мамлакатни саводсиз бўлса ҳам қўлидан иш келадиган ишчи кучи билан таъминлашдан иборат эди. Шу боис у ерда ўқишни истовчиларга стипендия тўланар, бепул овқат, текин кийим-бош бериладди. Ана шу имтиёзлар учунгина борганлардан эса тузукроқ мутахассис чиқмасди. Оддий лой қорувчи, гишт терувчи, тракторчи, шофёр бўлишарди, холос. Шундан сўнг ҳарбий хизматга чақирилар ва Россиянинг узоқ қўлида қўрилиш батальонларида "хизмат" қиларди.

Бугунги академик лицейларни, касб-хунар коллежларининг мақомини ўтмишдаги хунар-техника билим юртини савияси билан асло солиштириб бўлмайди. Хозирги илмгоҳлар том маънода иқтидорли ёшлар масканидир. Ўқитиш жаҳон андозалари даражасида амалга оширилмоқда. Барча имкониятлар, шарт-шароитлар "Талим тўғрисида"ги Қонун ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган вазифаларни бажаришга қаратилган.

Илмгоҳларни жиҳозлаш давлат бюджетини ҳамда чет эл инвестициялари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Биргина 2001 йилда Жанубий Корея давлати ҳисобидан 2 та академик лицей ва 13 та касб-хунар коллежи тўлиқ жиҳозланди. Жиҳозларни ўрнатиш ва ўқув жараёнида қўллаш корейлик мутахассислар доктор Ун Хан Хван, профессор Же Янг Кимлар яқиндан ёрдам беришди. Ўқитиш жараёнида ҳам ривожланган мамлакатлардаги касбдошларимиз билан ўрнатилган алоқалар яхши самаралар бермоқда. Масалан, Банк коллежиде ўтказилган ҳуқуқий таълимнинг интерфасол усуллари мавзусидаги семинар-тренингда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар бўйича "Street Law" дастури директори, вашигтонлик Габриэлла Шевар, дастур маслаҳатчиси денверлик Шаттл Гель, дастур координатори С.Соловьевларнинг иштироки этиши талабаларимизнинг ҳуқуқшунослик фанига бўлган қизиқишлари ошишига сабаб бўлди.

Молия-иқтисодиёт коллежиде Германиянинг Халқаро ривожлантириш фонди эксперти доктор Ҳабиб ҳамда Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институтини ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган семинар-тренинг ёшларимизнинг табиатга, атроф-муҳитга муносабатлари шаклланишида ижобий таъсир кўрсатди. Мамлакатимизда фаолият кўрсатётган



АҚШнинг Тинчлик Корпуси, Халқаро Қизил Хоч жамияти, Кўмак жамғармасининг Очiq-жамият институти, Менежмент халқаро таълим Маркази, Германиянинг техник ҳамкорлик жамиятлари билан ҳамкорликдаги қатор тадбирлар талаба ёшларимизни дунё илғор таърибаси билан боғлаб турибди, десак янглишмаймиз.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашни истардимки, талаба ёшларимизга сабоқ бераётган 3657 нафар педагогининг ҳар бири танлов асосида ишга қабул қилинган. Шу боис, билимдон, талабчан, изланувчан, тадбиркор, юртига фидойи кадрларимиз ишидан қониқиб қолмай. Устозларнинг 19 нафари фан докторлари, 198 нафари фан номзодлари, 35 нафари чет

"Президент асарларини ўрганамиз", "Ёш суҳандонлар", "Матбуот маркази", "Театр студия", "Интернет қаҳвахона", "Компьютер билимдонлари" тўғрисидаги аъзолари эришган ютуқлар, яратётган иштироқлар тўғрисида ҳам илқ сўзлар айтиш мумкин.

Мухтарам Президентимиз ёшларимиз қалбида она-Ватанга, халқига, миллий рамзларимизга чуқур ҳурмат, фахр туйғуларини сингиртириб, гоёт муҳим эканлигини кўп таъкидлайдилар. Шу боис педагогик жамоамиз ҳамиша, ҳар бир машғулот, тадбирда бу масалага жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, маънавият ва маърифат соатларида, Бош қомусимизни ўрганиш билан боғлиқ машғулотларда, миллий истиқлол гоёси дарсларида Ватанни

лиқ баҳо. Муқаддасликнинг бир арқони халқимизнинг дунё тамаддунига – цивилизациясига миллий маданияти билан қўшган ҳиссаси ила белгиланади.

Дарҳақиқат, бундай ҳулоса азал-азалдан иқдоркор, бунёдкор аждодларимизнинг мингмиг йилларга бардош бера оладиган, демакки, боқий обидалар яратилишида ҳайратли иқтидор эгалари бўлганликлари билан боғлиқдир. Юртимиз заминининг ҳар бир қаричи сирли хилқат, мўъжизаларнинг иштироқ этилган қўриқларига ўхшайди, гўё.

Афсуски, узоқ юз йиллар давомида биз яратган мўъжизалар тан олинмади. Устига-устак бузилди, топталди. Табиийки, уни тиклашга ҳайроҳ мутахассисларга, шоғирд тайёрлашга уринган усталарга ёт нигоҳ билан қаралди, эскилик сарқитларини сақлаб қолишга уринаётган бегона

гар, зардўз, қулол, тунукачи сингари ўнлаб касблар биз учун қадим мерос. Демак, ана шу касблар усталари санъат асарлари бунёд этганлари сир эмас. Улар ишини давом эттириш давлат ҳимоясига олингани, коллежларда алоҳида-алоҳида бўлимлар очилгани қувонарли ҳол.

Мен боболаримнинг муборақ ишларини давом эттирадиган ёшларимизни қўлайман. Уларга буюк маданиятни буюк халқ яратди ва уни буюк авлодларига сақлаб қолади, авайлаб асрайди, сизлар шунга муносиб бўлингизлар дегим келади.

Мирумар АСАДОВ, Ўзбекистон Каҳрамони.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Мустақиллик шарофати билан, муҳтарам Президентимиз

да олтин зинага айланиб улгурган фаолиятлари бошланганининг 5 йиллиги билан қизгин кўтайман. Сизларга, азиз ҳамкасблар, мустақил Ватанимиз равақига, буюк келажиги йўлидаги ишларини гизда фидойилик ёр бўлсин!

Рустам ХОЛМУРОДОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты, СамДУ ректори.

БИЗ НЕЧУН СЕВАМИЗ, ЎЗБЕКИСТОННИ?

Мен чин маънода, мустақиллик фарзандиман. Негаки, она-Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган йилда мактабга ўқишга бордим. Янги замоннинг соғлом таълим-тарбиясини олиб келаямман. Қишлоқ тумани – Пастдарғомда туғилиб ўсдим. Жума шаҳридаги 21-мактабни битиргач, Самарқанд механика-иқтисодиёт коллежининг қишлоқ ҳўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш бўлимига ўқишга кирдим. Коллежимиздаги имкониятлар, устозларимизнинг меҳрибонликлари бизларни доимо яхши ўқишга, излашга қорлайди.

Биз – янги замон ёшлари келажакда ким бўлишимиздан қатъий назар, аввало, она-Ўзбекистонимизга, муҳтарам Президентимизга содиқ бўлиш, халқимизга гами билан яшаш юрак-юраларимизга сингиб бормоқда. Ана шу миллий фахр, ғурур келажакка ишонч туғдиради, қўлимиздан келмайдиган иш йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деган ҳулосани туғдиради. Тўғрида, давлатимиз бизлар учун ҳамма шароитларни яратиб бераётган бўлса, Юртбошимиз Ўзбекистондаги барча болалар – менинг болаларим, деб бағрига боссалар биз нечун фидойи бўлмайлик!

Ўтган йилнинг 15-16 ноябр кунлари мамлакатимиз пойтахти – Тошкентда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги илмгоҳлар талабаларининг "Энг иқтидорли мутахассис" республика кўриктанлови бўлиб ўтди. Мен танловда устозим Фарид Темиргалиев раҳбарлигида яратган иштироим билан қатнашдим. "Трактор электр жиҳозлари асосида шомол электростанцияси" деб номланган илмий ишим юқори баҳоланиб, саноат ва транспорт номинацияси бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Шахсий компьютер ва пул муқофоти билан тақдирландим. Келажакда юртим учун хизмат қилиш, унинг равақига ҳисса қўшиш лаёқатим борлигидан севинаман.

Мен Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим тизимининг ислоҳ қилинганлигини энг тўғри тутилган йўл бўлди, дея баҳолан келади. Илгарики тизимда мен, ҳозирги ёшимда ҳам мактаб ўқувчиси бўлар эдим. Бугунги тасаввурим қаёқда эди, дейсиз. У тартибда билим иккиламчи ўринда қоларди. Энди эса билим ҳамма нарсани ҳал этмоқда. Ақл ёшда эмас, бошда деган ҳикмат ўз ифодасини топди. Лицейдошим Мақсуд Эргашев 1984 йилда туғилган. "Биология фанидан эришган натижалари боис 1-Тошкент давлат Тиббиёт институтига тест синовларисиз қабул қилинди. Сарвиноз Шамсуддинова ҳам шу ёшда. Инглиз тилини ўрганишдаги иқтидорини унга ҳам омад олиб келди. У ҳозир Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини талабаси.

Биз ёшларга қаноат бахш этаётган, ота-боболаримизнинг асрий озуларини ушлатиётган юртининг гардларини кўзларига суртмай бўладими, ахир.

Мансур ЎРОЛОВ, СамДУ Академик лицейи III босқич талабаси.

Ҳамид ОТАЁРОВ, Механика-иқтисодиёт коллежи IV босқич талабаси, "Энг иқтидорли мутахассис" республика кўриктанлови голиби.

ГАРДЛАРИ КЎЗЛАРГА ТЎТИЁ БЎЛСИН

Мен деҳқон ўғлиман. Пайриқ туманидаги Сармонқул қишлоғида туғилиб, шу ерда ўқиганман. Қўллари бир умрлик меҳнатдан қадок бўлган отам – Ўбайдулла Ўролов баъзан менга термулиб, кўзларига ёш оладилар.

"Дориломон замонамдан ўргилиб, болом. Мен ҳам, шундай қувончларга етман, ўғлим чет элларда Ватанимиз шарафини хиймо қилади, деб сира ҳам ўйламаганман. Илгарики замон бўлганда бу гаплар қаёқда эди", дейдилар.

Тумандаги 56-мактабда ўқиганман. Физика фанига бўлган қизиқишим боис, устозим Ҳамза Ҳамроев мендан ёрдамни аямасди. Самарқанд Давлат университетини қошидаги академик лицейга ўқишга кирганимдан сўнг, физика-математика фанлари номзоди, доцент Исмоил Жабборовдан сабоқ ола бошладим. Бу ердаги шароит, имкониятлар ва машғулотларнинг илмий жиҳатдан чуқурлиги ўқишга жиддий киришишимни талаб этди, тўғраққа мунтазам қатнаша бошладим. Тошкент шаҳрида бўлтур ўтказилган "Табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзусидаги конференцияда қатнашиб, физика фанидан республика терма командаси таркибига кириштирилганим менга катта ишонч ва масъулият юкланди. Шундан сўнг 6-14 май кунлари Сингапурда бўлиб ўтган Осиё олимпиадасида муваффақиятли қатнашдим. Эришган натижаларим сабабли 2-босқичдан экстернат тартибда 3-босқичга ўтказилдим. Шу йил январ ойида вилоятда ўтказилган олимпиадада голиб чиққанлигим боис, физика фанидан ўтказиладиган республика олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритдим. Айна дама ана шу синовга ҳозирлик кўраяман.

Мен Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим тизимининг ислоҳ қилинганлигини энг тўғри тутилган йўл бўлди, дея баҳолан келади. Илгарики тизимда мен, ҳозирги ёшимда ҳам мактаб ўқувчиси бўлар эдим. Бугунги тасаввурим қаёқда эди, дейсиз. У тартибда билим иккиламчи ўринда қоларди. Энди эса билим ҳамма нарсани ҳал этмоқда. Ақл ёшда эмас, бошда деган ҳикмат ўз ифодасини топди. Лицейдошим Мақсуд Эргашев 1984 йилда туғилган. "Биология фанидан эришган натижалари боис 1-Тошкент давлат Тиббиёт институтига тест синовларисиз қабул қилинди. Сарвиноз Шамсуддинова ҳам шу ёшда. Инглиз тилини ўрганишдаги иқтидорини унга ҳам омад олиб келди. У ҳозир Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини талабаси.

Биз ёшларга қаноат бахш этаётган, ота-боболаримизнинг асрий озуларини ушлатиётган юртининг гардларини кўзларига суртмай бўладими, ахир.

Мансур ЎРОЛОВ, СамДУ Академик лицейи III босқич талабаси.

Саҳифа материалларини «Қишлоқ ҳаёти» муҳбирлари Ў.ҚУРБОНОВ ва Ҳ.ШУКУРОВлар тайёрлашди.



САМАРҚАНДНИНГ ЗУККО ЁШЛАРИ



элларда тажриба алмашиб, малака ошириб келишган. 5 йил ичида 13 нафар мураббийимиз давлат мукофотларига сазовор бўлишди. Ўқитувчиларимиз томонидан республика миқёсида тан олинган, амалиётга йўланган ўнча яқин дарслик китоблар ҳам жамоамиз катта излашлар олиб бораётганидан далолат беради.

"Иккинчи дарс жадвали" номи билан аталувчи, ёшларнинг касбий маҳоратини мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилган тўғрақлар фаолияти изчил олиб боришмоқда. Умумтаълим фанлари бўйича фаолият юритиётган 384 тўғрақда 10620 нафар, махсус фанлар бўйича ташкил этилган 342 тўғрақда 12505 нафар, спорт йўналиши бўйича юритиётган 633 тўғрақда 12784 нафар, бадий хаваскорлик бўйича ишлаётган 42 тўғрақда 386 нафар талаба мунтазам машғулот ўтказмоқда. Биргина спорт тўғрағига аъзоларидан 5 нафар жаҳон ва 8 нафар Осиё чемпионлари етишиб чиққанлигининг ўзиёқ тўғрақлар фаолияти даражасидан далолат беради.

севиш, унинг буюк келажиги учун жоғида бўлиш бизларга аждодлар мероси эканлигини тўшунтиришга эътибор қаратилмоқда. Мавжуд кутубхоналар, маънавият марказлари фаолияти ҳам ана шу йўналишда яхши тажриба тўплайдилар.

Хуллас, босиб ўтилган беш йиллик йўл чин маънода мазмунли, самарали бўлди. Келажак эса, олдинда. Аминлигим, мустақиллик белгилари берган режаларнинг истиқболли порлоқ. Доно Самарқанднинг зуқко ёшлари юртимиз номини оламга машҳур қилиши, шубҳасиз.

Муродилла ХОЛМУРАДОВ, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими босқирмаси бошлиғи.

БУЮК МАДАНИЯТНИ БУЮК ХАЛҚ ЯРАТАДИ

Ўзбекистон – муқаддас Ватан. Бу, даставвал, ўзига хос, бетакорор жиҳатлар билан бо-

унсурлар сифатида таъкиб қилинди.

Мустақиллик бизга аждодларимиз томонидан юксак ақл-иқдор ила бугунги компьютерлар техникни-да зирқиратиб юборадиган даражада аниқлик, ҳисоб-китоблар билан яратилган бетакорор обидаларнинг сақланиб қолганлигини таъмирлаш, тиклаш имконларини берди. Мен ана шундай ҳайрли ишда шоғирдларим билан камарбаста қатнашаётганимдан мамнунман.

Очиги, мустақилликка қадар бизлар, яъни, миллий усталар назардан четда эдик. Бугун эса кадр-кимматимиз баланд. Бу юртимизда миллий маданиятга бўлган эътибордан дарақдор. Коллежларда миллий усталиқ, ҳунармандчилик бўлимларининг фаолият бошлагани ҳам ана шу эътибор самараси, албатта. Бутун бошли маданият ўлкасини саноклигига усталар билан ёки устоз кўрмаган шоғирдлар билан сақлаб қолиш, тиклаш, ривожлантириш мумкин эмас эди-да, ахир. Ҳанчор, ўймакор, зар-

мизнинг бевосита раҳнамолигида таълим тизимида ўтказиладиган ислохотлар ўз самараларини кўрсата бошладилар.

Олий таълим қабулида тест синовларининг жорий этилиши бу йўлдаги дастлабки дадил қадам эди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ташкил этилиши эса яна бир жиддий ангилли сифатида эътироф этиш керак. Биз ёшларимиз билим савияси тобора юксалиб бораётганини ислохотлар изчиллиги шарофати деб биламиз.

Вилоятимизда ўрта махсус, касб-хунар коллежлари билан олий таълим масканлари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги, ёшларни тарбиялаш, ўқитиш ишига ҳамкорликда ёндашаётганимиз ҳам қувончлидир. Бундай яқинлиқ мустаҳкамланиб бораверади.

Ўрта махсус, касб-хунар коллежлари жамоаларини келажакимиз ворислари бўлган билимли, иқтидорли ёшларимизни ҳаётга йўллаш-